

**“Milliy banklararo protsessing markazi”  
mas’uliyati cheklangan jamiyat  
Иштирокчисининг 2020 йил 22 июлдаги  
Қарори билан**

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“MILLIY BANKLARARO PROTSESSING MARKAZI”  
MAS’ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT**

**УСТАВИ**

(янги таҳрирда)

**Тошкент - 2020 йил**

## **1-модда. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.**

1.1. "Milliy banklararo protsessing markazi" mas'uliyati cheklangan jamiyatı аввалги mas'uliyati Cheklangan Jamiyati shaklidagi «Yagona Xalqaro Protsessing Markazi» ҳамма мажбуриятлари бўйича хуқуқий ворисидир.

1.2. "Milliy banklararo protsessing markazi" mas'uliyati cheklangan jamiyatı (кейинги матнларда Жамият деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги 3945-сонли Қарори ва Жамият Таъсисчиси Йигилишининг 2018 йил 26 декабрдаги 1-сонли Баённомасига мувофиқ тузилган.

1.3. Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Yagona Xalqaro Protsessing Markazi» Qo'shma Kortxonasi 2014 йил 3 апрелдаги 1490 реестри тартиб раками билан рўйхатга олинган.

1.4. 2017 йил 13 октябрдаги Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани "Ягона дарча" марказида Низом (янги таҳрирда) №4802 тартиб раками билан рўйхатдан ўтказилди ва №4802 тартиб рақами билан гувоҳнома берилган.

1.5. 2018 йил 5 ноябрдаги Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани "Ягона дарча" марказида Низом (янги таҳрирда) №4802 тартиб раками билан рўйхатдан ўтказилди ва №4802 тартиб рақами билан гувоҳнома берилган.

1.6. 2018 йил 27 декабрдаги Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани "Давлат хизматлари маркази"да Устав №1490 тартиб раками билан рўйхатдан ўтказилди ва №1490 тартиб рақами билан гувоҳнома берилган.

1.7. 2019 йил 7 февралдаги Тошкент шаҳар, Миробод тумани "Давлат хизматлари маркази"да Устав №1490 тартиб раками билан рўйхатдан ўтказилди ва №1490 тартиб рақами билан гувоҳнома берилган.

1.8. 2019 йил 10 июндаги Тошкент шаҳар, Миробод тумани "Давлат хизматлари маркази"да Устав №1490 тартиб раками билан рўйхатдан ўтказилди ва №1490 тартиб рақами билан гувоҳнома берилган.

1.9. 2019 йил 23 июлдаги Тошкент шаҳар, Миробод тумани "Давлат хизматлари маркази"да Устав №1490 тартиб раками билан рўйхатдан ўтказилди ва №1490 тартиб рақами билан гувоҳнома берилган.

1.20. 2019 йил 27 декабрдаги Тошкент шаҳар, Миробод тумани "Давлат хизматлари маркази"да Устав №1490 тартиб раками билан рўйхатдан ўтказилди ва №1490 тартиб рақами билан гувоҳнома берилган.

1.21. 2020 йил 23 январдаги Тошкент шаҳар, Миробод тумани "Давлат хизматлари маркази"да Устав №1490 тартиб раками билан рўйхатдан ўтказилди ва №1490 тартиб рақами билан гувоҳнома берилган.

1.22. 2020 йил 30 июндаги Тошкент шаҳар, Миробод тумани "Давлат хизматлари маркази"да Устав №1490 тартиб раками билан рўйхатдан ўтказилди ва №1490 тартиб рақами билан гувоҳнома берилган.

1.23. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ти Конуни (кейинги ўринларда "Қонун") ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий хужжатларига биноан тузилган.

Жамиятнинг Иштирокчиси ҳамда ягона Таъсисчиси ҳисобланади:

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки "Ахборотлаштириш бош маркази" давлат унитар корхонаси**, манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100001, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ислом Каримов кўчаси 6-уй. СТИР: 201 052 959.

Давлат хизматлари маркази томонидан 2006 йил 20 мартда 001403-03-реестри тартиб раками билан рўйхатдан ўтказилиб, гувоҳнома берилган.

1.8. Жамият Иштирокчиларининг таркиби мазкур Уставда белгиланган тартибда ўзгартирилиши мумкин, шунингдек ўз хоҳиши билан Жамият таркибига кириш истагини билдирган, унинг Уставини тан олган манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар қабул килиниши ҳисобига кенгайтирилиши мумкин.

1.9. Жамият Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсидир, ўзининг мустақил балансига ҳамда банк муассасаларида ҳисоб рақамларига, шу жумладан чет эл валютасида бўлгѓан ҳисоб рақамларига эгадир. Жамият ўз фаолиятини тўлиқ мустақил хўжалик юритиш, ўзини-ўзи молиялаштириш ва ўзини-ўзи қоплаш тамойиллари асосида юритади.

1.10. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.11. Жамият ўз фирмали номи ёзилган штамплари ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

1.12. Жамият унга тегишли бўлган ҳамда мустақил балансида ҳисобда турган мулкка эгадир, ўз номидан ҳуқуқларга эгалик қилиши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

## **2-модда. ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ, ФАОЛИЯТ МУДДАТИ ВА ЖАМИЯТНИНГ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ВА ФИЛИАЛЛАРИ.**

2.1. Жамиятнинг номланиши:

2.1.1. ўзбек тилида:

**Тўлиқ:** “Milliy banklararo protsessing markazi” mas’uliyati cheklangan jamiyat;

**Қисқартирилгани:** MBPM MChJ.

2.1.2. инглиз тилида:

**Тўлиқ:** “National interbank processing center” limited liability company;

**Қисқартирилгани:** NIPC LLC.

2.1.3. рус тилида:

**Тўлиқ:** Общество с ограниченной ответственностью “Национальный межбанковский процессинговый центр”;

**Қисқартирилгани:** ООО НМПЦ.

2.3. Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100001, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ислом Каримов кўчаси 6-й.

2.4. Жамиятнинг фаолият кўрсатиши муддати чекланмаган.

## **3-модда. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ.**

3.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ва Жамиятнинг Низомида кўрсатилган мақсадларга жавоб берадиган барча турдаги хўжалик ва тижорат фаолиятларини олиб бориши ҳуқуқига эга.

3.2. Жамият фаолиятининг мақсади қуидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон молия бозорига илғор банк информацион технологиялари ва электрон тўлов воситаларини комплекс, ҳар томонлама ва мақсадга йўналтирилган ҳолда татбиқ этишини ташкиллаштириш;

- пластик карточкаларни қўллаш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Халқаро тўлов тизимини жорий этиш ва уни ривожлантириш, ягона тўлов ҳудудини кенгайтириш ҳамда унинг Халқаро молия ҳамжамиятлари ва Халқаро тўлов тизимлари (Visa, EuroCard, MasterCard, American Express, Diners Club, JCB ва бошқалар) интеграциясига эришиш;
  - миллий ва хорижий валютада пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобни амалга оширишни таъминловчи Ягона Халқаро Процессинг марказини ташкил қилиш, дастурий-техник таъминлаш ва ишлатиш;
  - банк фаолияти бошқарувининг замонавий ҳисоблаш техникалари, телекоммуникация ва дастурий таъминот воситаларига асосланган усулларини жорий қилиш ҳамда банк хизматлари турларини кенгайтириш;
  - молия ва информацион технологиялари, банк фаолиятини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш соҳасида инвестицион фаолиятнинг асосий йўналишларини белгилаш;
  - банк информацион технологиялари ва электрон тўлов воситалари, банк фаолиятини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш, банклараро ва корпоратив алоқа ҳамда телекоммуникация тизимлари соҳасида маркетинг изланишлари олиб бориш, узок муддатли стратегик дастурлар ишлаб чикиш;
  - банк мутахассисларини ўқитишини амалга ошириш, ўқув жараёнини автоматлаштиришнинг замонавий воситаларига асосланган доимий фаолият юритувчи тажриба ва намойиш стендларини, банк ва информацион технологиялари бўйича тренинг-марказларини яратиш;
  - Халқаро молия институтлари, илмий-изланиш ва ўқув муассасалари, ҳисоблаш ва бошка техникалар, илғор ҳисоблаш ва оргтехника ишлаб чиқарувчилари ва тизим интegratorлари билан илмий техник ва савдо-иктисодий алоқаларни ҳамда ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ривожлантириш;
  - Ўзбекистон Республикаси банк тузилмаларига турли хил тижорат ва маслаҳат (консалтинг) хизматларини кўрсатиш;
- 3.3. Жамият ўз вазифаларига кўра қўйидаги фаолият турларини олиб боради:**
- пластик карточкаларни қўллаш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Халқаро тўлов тизимини тузиш ва уни ривожлантириш бўйича хизматлар кўрсатиш, миллий ва хорижий валютада пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи Ягона Халқаро Процессинг маркази фаолиятини таъминлаш;
  - пластик карточкаларни қўллаш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Халқаро тўлов тизими Концепциясини яратиш ва ривожлантириш;
  - электрон тўлов воситаларининг хуқуқий мақомини белгиловчи, пластик карточкалар эмиссияси ва “электрон пуллар” муомаласини тартибга солувчи ҳамда томонлар мажбуриятлари ва ўзаро муносабатлари тартибини белгиловчи қонунчилик ва меъёрий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш;
  - пластик карточкаларни қўллаш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Халқаро тўлов тизими иштирокчи-банклари (кейинчалик Тизим иштирокчилари)ни сертификатлаш талабларини белгилашда, банклараро ўзаро ҳисоб-китоблар жадвалини ишлаб чиқишида, Эмиссия процессинг марказларининг тузилиши ва фаолиятини ташкил қилишида иштирок этиш;
  - комплекс технологик ечимлар жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича бизнес-планлар ишлаб чикиш;
  - тушумларни назорат қилишни тартибга солиш, инкассация харажатларини камайтириш ва савдо операцияларини амалга ошириш вақтини қисқартириш мақсадида пластик карточкаларнинг эмитентлари бўлган банклар ва товар (хизмат)лар учун пластик карточкалар орқали тўловлар қабул қилувчи Корхоналар ўртасидаги ўзаро

муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда катнашиш;

- лойиҳаларни амалга ошириш, лойиҳаларнинг аппарат ва дастурий қисмларини ўрнатиш ва созлаш;
- дастурий-аппарат комплексларига кафолат, кафолатдан кейин ва сервис хизматларини кўрсатишни амалга ошириш;
- комплекс технологик ечимлар талабларига кўра дастурлар ишлаб чиқиш ва мослаштириш;
- Тизим иштирокчи-банклари учун Банклараро Тўлов тизими пластик карточкаларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;
- иштирокчи-банклар талаби билан ҳақиқий бўлмаган пластик карточкаларни Стоп-листга киритиш, Стоп-листни Тизим иштирокчи-банкларига етказиш;
- нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг тизим ва воситаларидан фойдаланиб амалга оширилиши мумкин бўлган ғаразли фойдаланиш ва фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиша қатнашиш;
- Банклараро тўлов тизимининг пластик карточкалари орқали операциялар амалга оширувчи тижорат банклари фаолиятини йўналтириш;
- тижорат банклари, корхоналар ва ташкилотлар билан пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш;
- Тизим иштирокчилари бўлган банклар учун пластик карточкаларнинг бирламчи ва иккиласи эмиссияси ишларини амалга ошириш;
- Электрон тўловлар тизими республика тармоғи ҳисоб-клиринг марказлари билан ўзаро фаолиятни ташкил этиш;
- иштирокчи-банклар, Электрон тўловлар тизими республика тармоғининг ҳисоб-клиринг марказлари ўргасида маълумотлар алмашинувини таъминлаш;
- Тизим иштирокчилари номидан маълумотлар шакллантириш ва уларни Электрон тўловлар тизими республика тармоғининг ҳисоб-клиринг марказларига тўлаш учун тақдим қилиш;
- Тизим иштирокчиларига молиявий маълумотлар ва электрон тўловлар Тизими республика тармоғининг ҳисоб-клиринг марказлари ҳисоб-китоб натижалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;
- банк, саноат, савдо-сервис ва бошқа корхоналар учун банк тўлов тизимлари, маълумот хавфсизлиги тизимлари ва рухсатни чеклашнинг электрон тизимларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- пластик карточкалар кўллаш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўлов тизими, маълумот хавфсизлиги ва рухсатни чеклашнинг электрон тизимлари бўйича консалтинг (маслаҳат) хизматларини кўрсатиш;
- пластик карточкаларнинг логотиплари андозаларини тайёрлаш ва график персонализацияни амалга ошириш;
- банк, молия ва информацион технологияларни тадбиқ қилиш соҳасида, банк ва корпоратив фаолият бизнес-жараёнларининг реинжиенинги бўйича маркетинг, маълумот-аналитик ва консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- мавжуд ва янги банк хизматлари, информацион технологиялар ва молиявий воситаларга бўлган қизиқишини шакллантириш мақсадида реклама ва сўров тадбирларини ташкил қилиш;
- ишлаб чиқарувчи компаниялар ва яратувчи фирмаларнинг техник экспертларини жалб этган ҳолда банк ва бошқа ташкилотлар мутахассисларини ўқитишини ташкил қилиш ва ўтказиш, банк, молия ва информацион технологиялар бўйича семинар, конференция ва кўргазмалар ўтказиш;
- лойиҳа, илмий-изланиш ишлари, техник, техник-иктисодий экспертиза ва маслаҳатни амалга ошириш, информацион хизмат кўрсатиш;

- технологик мақсадларда ишлатиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, банк информацион технологиялари соҳасида хизматлар кўрсатиш;
  - ҳисоблаш техникаларини йигиш, сотиш, таъмирлаш ва комплекс хизмат кўрсатиш;
  - автоматлаштирилган аппарат-дастурий тизимлар, электрон ҳисоблаш техникаси ва тизимларини ишлаб чиқиш, тадбиқ қилиш ва ўрнатиш, уларни эксплуатация қилиш ва сервис хизматлари кўрсатиш;
  - консультациялар бериш, шу жумладан, иктисодий, ҳукукий ва техник табиатдаги консультациялар бериш;
  - янги информацион банк ва телекоммуникация технологияларини ишлаб чиқиш, тадбиқ қилиш ва амалга ошириш;

3.4. Лицензиялаш ёки маҳсус руҳсатномалар олиниши лозим бўлган фаолият турлари билан Жамият амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва шартларда шуғулланади.

#### **4-модда. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ.**

4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва ўз олдида турган вазифаларни ечиш мақсадида, Жамият қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- тузилган шартномаларга мувофиқ, моддий-техник ва бошқа маҳсулотларни етказиб беришни таъминлаш;
- МДҲ ва хорижий мамлакатларнинг корхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ва хизматларни келишилган нархлар бўйича сотиш;
- Жамият ўз фаолият дастурини мустақил шакллантиради, шартнома асосида ишлаб чиқарган маҳсулотлари (иш, хизматлар)нинг ички ва ташқи бозорларда сотилиши шартларини, унинг нархларини, шунингдек иш ва хизматларни бозордан етказиб бериш шартларини белгилаши мумкин. Эмиссия ва процеслинг хизматлари бўйича кўрсатилган хизматлар нархи Банкларро Координацион Кенгаши қарорига кўра белгиланади.
- бошқа юридик шахслар Устав фондида (устав капиталида) таъсисчи сифатида ёки ўзга йўл билан қатнашиш, ўз ваколатхоналари ва филиалларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ташқарисида очиш;
- тузиладиган ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар асосида хорижий инвестицияларни Жамиятга ҳамда унинг филиалларига жалб қилиш (даромадни тақсимлаш тартиби тузилган шартномаларда алоҳида қайд этилади);
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шу жумладан хориждан маблағларни жалб қилиш тўғрисидаги шартномаларни тузиш йўли билан, тижорат банклари ҳамда бошқа молия институтларидан кафолатлар олиш;
- мол-мulkни лизинга бериш юзасидан ижара пунктларини ҳамда техник воситаларига хизматкўрсатиш пунктларини ташкил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳамда ундан ташқаридаги ҳудудларда давлат, тижорат, юридик ва жисмоний шахслар билан турли битимлар ҳамда бошқа юридик актларни амалга ошириш;
- Жамият ишларига чет эл жисмоний шахсларини жалб қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчар ва кўчмас мулкларни, мулкчилик ҳуқуқларни ва интеллектуал мулкни мулк қилиб сотиб олиш, уларни ижарага олиш ва бериш;
- уюшма, иттифоқ, консорциум ва бирлашмаларга аъзо бўлиш;

- белгиланган тартибда банкларда ҳар қандай, шунингдек валюта ҳисоб рақамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги қонунчилик асосида ҳар қандай тўлов шаклларини ўтказиш ва акцептлаш, ўз маблағларини ўрнатилган тартибда ваколатли банклар орқали айирбошлиш;
- маҳсулотларни ҳамда хизматларни нақд пулга сотиш
- ўзининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамғармаларини мустақил режалаштириш;
- Жамиятнинг Уставида белгиланган вазифаларини бажариш учун зарур бўлган техник-ишлаб чиқариш воситалари, ҳом ашё, материаллар, транспорт воситаларини сотиб олиш;
- Савдо (тендер), шу жумладан ким ошди савдолари ва танловларда қатнашиш ҳамда хайрия ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш;
- ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, бошқа хукуқларга эга бўлиш.

## **5-модда. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

5.1. Жамият Иштирокчisi қуйидаги хукуқларга эга:

- 1) Қонун ва Жамиятининг таъсис хужжатларида белгиланган тартибда Жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- 2) Тақсимланадиган фойдадаги ўз улушини олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, молмulkning Устав фондидағи ўз улушкининг миқдорига мос келадиган бир қисмини ёки унинг қийматини олиш;
- 3) Устав фондидағи ўз улушкига ёки унинг бир қисмини қонунда белгиланган тартибда учинчи шахсларга сотиш ёки бошқача тартибда воз кечиши;
- 4) Жамиятининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтари ва бошқа хужжатлари билан танишиши;
- 5) Иштирокчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида кўзда тутилган бошқа хукуқларга ҳам эга.

5.2. Иштирокчи қуйидагиларга мажбур:

- 1) Қонун ва Жамият Уставида кўзда тутилган тартибда, микдорда ва муддатларда Устав фондига улушларни киритиш;
- 2) Жамият Устави қоидалариган риоя қилиш;
- 3) Қонун ва Жамият Уставида кўзда тутилган тартибда Жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- 4) Жамият фаолияти ҳақидаги маҳфий ахборотни ошкор этмаслик;
- 5) Иштирокчи Қонун ва Жамият Уставида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

## **6-модда. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШНИНГ БОШҚА ШАХСЛАРГА ЎТИШ.**

6.1. Жамият иштирокчиларининг сони икки ва ундан ортиқ шахсгача оширилган тақдирда, исталган иштирокчи Жамиятнинг устав фондидағи ўз улушкини ёхуд унинг бир қисмини Жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишига ҳаклидир.

Бундай битимни амалга ошириш учун Жамиятнинг ёки бошқа иштирокчиларининг розилиги талаб этилмайди.

6.2. Жамият иштирокчисининг улуши тўлиқ тўлангунга кадар бўлган даврда у факат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

6.3. Иштирокчи Устав фондидаги ўз улушкини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга ўтказилиши мумкин. Бунда Жамиятнинг бошқа иштирокчилари жамият иштирокчисининг улушкини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга таклиф қилинадиган баҳо бўйича ўз улушлари миқдорларига мутаносиб равишда сотиб олишда имтиёзли хукуқдан фойдаланадилар.

6.4. Ўз улушкини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган жамият иштирокчиси улуши сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда бу ҳакда Жамиятнинг қолган иштирокчиларини ва Жамиятнинг ўзини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Жамият иштирокчилари ва (ёки) жамият сотиш учун таклиф қилинаётган бутун улушкини (улушнинг бутун қисмини) сотиб олишда имтиёзли хукуқдан, шундай хабар берилган кундан эътиборан бир ой ичida фойдаланмаган тақдирда (агар жамият уставида ёки жамият иштирокчиларнинг келишувида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса) улуш (улушнинг бир қисми) жамиятга ва унинг иштирокчиларига хабар қилинган баҳоларда ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.

6.5. Жамият иштирокчисининг улушкини (улушининг бир қисмини) сотишдан бошқача тарзда учинчи шахслар фойдасига воз кечиши учун Жамиятнинг ёки Жамият қолган иштирокчиларнинг розилигини олиш талаб этилмайди.

6.6. Жамият Устав фондидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечиши оддий ёзма шаклда амалга оширилиш керак. Жамиятининг Устав фондидаги улушдан (улушнинг бир қисмидаги) ўзганинг фойдасига воз кечиши бўйича битимнинг Конунда ёки мазкур Уставда белгиланган шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади.

6.7. Жамият Иштирокчининг устав фондидаги улушкини (улушининг бир қисмини) факат Конунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олишга ҳақлидир.

## **7-модда. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ.**

7.1. Жамият Устав фонди 97 339 113 579 (тўқсон етти миллиард уч юз ўттиз тўққиз миллион бир юз ўн уч минг беш юз етмиш тўққиз) сўм 09 тийинни ташкил этилади.

7.2. Иштирокчи улушкининг миқдори устав фондининг 100 фоизини ташкил қиласди.

7.3. Устав фонди миқдорини ўзгартириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда шу жумладан уларда кўзда тутилган чекловларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

7.4. Жамият устав фондининг кўпайтирилиши Жамиятнинг мол-мулки ҳисобига ва (ёки) жамият иштирокчиларининг кўшимча ҳиссалари ҳисобига ва (ёки) жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

7.5. Жамият Устав фондининг камайтирилиши Жамият иштирокчисининг Жамият устав фондидаги улушларининг номинал қийматини камайтириш ва (ёки) Жамиятга тегишли улушларнинг ҳақини тўлаш орқали устав фондини камайтириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

7.6. Устав фонди ушбу кўпайтириш (камайтириш) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинганидан сўнг кўпайтирилган (камайтирилган) деб тан олинади.

## **8-модда. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИННИГ ЖАМИЯТДАН ЧИҚИБ КЕТИШИ.**

8.1. Жамият иштирокчиларининг сони икки ва ундан ортиқ шахсгача оширилган тақдирда, исталган иштирокчи исталган пайтда Жамиятдан бошқа иштирокчиларнинг розилигидан қатъий назар чиқиб кетишга ҳақлидир.

8.2. Жамиятдан чиқиб кетаётган Иштирокчига Жамият унинг устав фондидаги улушкига тенг улушкининг чиқиб кетиш санасидан олдинги ҳисобот даври учун Жамият

бухгалтерлик ҳисоботи маълумотларига кўра аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлашга ёки Жамиятдан чиккан иштирокчининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мулкни асли ҳолида бериши шарт.

8.3. Жамият улуш Жамиятга ўтган пайтидан бошлаб бир йил ичидан Жамиятдан чиқиб кетган иштирокчига унинг улушкининг ҳақиқий қийматини тўлашга ёки унга худди шундай қийматдаги мулкни асли ҳолида беришга мажбурдир.

8.4. Улушкинг (улуш бир қисмининг) ҳақиқий қиймати жамият соф активларининг қиймати билан унинг Устав фонди миқдори ўртасидаги фарқ ҳисобидан тўланади. Агар бундай фарқ етарли бўлмаса, жамият ўзининг Устав фондини етишмаётган суммага камайтириши шарт.

## **9-модда. ЖАМИЯТДА БОШҚАРУВ.**

9.1. Жамиятнинг ягона иштирокчиси Жамиятнинг яккабошлиқ олий органи ҳисобланади.

9.2. Жамият иштирокчининг мутлак ваколатлари жумласига қўйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият устав фондининг миқдорини ўзгартириш;
- Таъсис хужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;
- Йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи хужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
- Аудиторлик текширувани ўtkазиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
- Бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятни қайта ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Тугатиш комиссиясини тайёрлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;
- Конун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

## **10-модда. ЖАМИЯТНИНГ ЯККАБОШЧИЛИК АСОСИДАГИ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.**

10.1. Жамият директори Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилувчи Жамиятнинг яккабошчилик асосида ижро этувчи органи ҳисобланади.

10.2. Жамиятнинг директори ва унинг биринчи ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки номенклатураси ҳисобланади.

10.3. Жамият директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазкур Устав ҳамда директор билан тузиладиган меҳнат шартномасида белгilanади.

10.4. Директор ваколати жумласига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш билан боғлиқ барча масалалар киради, жамият иштирокчиси мутлак ваколатлари жумласига кирадиган масалалар бундан мустасно. Директор Жамият иштирокчилари Умумий йиғилиши қарорларининг бажарилишини ташкил этади. Яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган Жамият ягона Иштирокчига ҳисбот беради.

**Директор:**

1) Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан барча хорижий ва мамлакат корхоналари ҳамда ташкилотларида, давлат ҳокимияти органларида, мамлакат ичидан ва унинг ташқарисида судда, арбитраж судида унинг манфаатларини ифодалайди. Музокаралар олиб боради, хужжатларни имзолайди, шартномалар ва битимлар тузади,

банк муассасаларида ҳисобвараклар очади, Жамият номидан битимлар тузади, шунингдек Жамият номидан вакиллик қилиш хукуки, шу жумладан битимлар тузиш учун ишончномалар беради;

- 2) Иштирокчи билан келишган ҳолда штат жадвалини тасдиқлайди ва меҳнат шароитлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини белгилайди. Жамият ходимларини ишга қабул қиласди ва ишдан бўштади, Жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбур бўлган буйруклар, фармойишлар ва бошқа хужжатларни қабул қиласди;
- 3) Жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қиласди, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайди;
- 4) Бюджетлар ва Жамиятни ривожлантириш режаларининг ишлаб чиқилиши ва бажарилишига жавоб беради;
- 5) Жамият Иштирокчисига фойдани таксимлаш ва уни йўналтириш, фондларни ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини аниқлаш бўйича таклифлар беради;
- 6) Жамиятнинг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисботлари юритилишини ташкил қиласди, йиллик ҳисботлар, бухгалтерия баланслари, фойдалар ва зарарлар тўғрисидаги ҳисботларни тақдим этади, шу жумладан мол-мулк ва фойданинг ҳаракати бўйича ҳисбот беради;
- 7) Жамият Иштирокчиси кўриб чикиши учун зарур материаллар ва таклифларнинг тайёрланишини ташкил этади ҳамда Жамият Иштирокчиси қабул қилган қарорларни бажаради;
- 8) Жамият ходимларини рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш тизимини ишлаб чиқади ва уни Жамият иштирокчиси томонидан тасдиқлаш учун тақдим этади;
- 9) Тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ҳажмини аниқлайди ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш билан шугулланади;
- 10) Йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул килинадиган кундан олдинги охирги ҳисбот даври учун бухгалтерия ҳисботлари маълумотлари асосида аниқланган Жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ бўлмаган қийматга эга бўлган мол-мулкни олиш ва тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ бўлган битимларни амалга оширади;
- 11) Жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини ўз ваколати доирасида тасарруф этади;
- 12) Жамиятнинг Таъсис хужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки янги таҳирirdагi Таъсис хужжатларини ишлаб чиқади ва уни Жамият ягона Иштирокчисининг тасдиқлаши учун тақдим этади;
- 13) Жамиятнинг ички хужжатларини ишлаб чиқади ва уни Жамият ягона Иштирокчисининг тасдиқлаши учун тақдим этади;
- 14) Йўриқномалар, Низомлар, Тартиблар ва Жамиятнинг жорий фаолиятига доир масалаларни тартибга солувчи бошқа хужжатларни амалга киритиш тўғрисида буйруклар чиқаради;
- 15) Ўзбекистон Республикасида ва чет элда амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан Жамият номидан даъволар қўзғайди;
- 16) Жамиятнинг филиаллари, ваколатхоналари ва шўъба корхоналари, уларнинг изроия аппарати фаолиятини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, Жамият номидан вакиллик қилиш хукуки учун ишончномалар беради;
- 17) Амалдаги қонун хужжатлари ва мазкур Уставга мувофиқ Жамият фаолиятининг мақсадларига эришиш ва унинг бир маромда ишлашини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа функцияларни бажаради.

10.5. Жамият директори ўз мажбуриятларини адо этиши чоғида Жамият манфаатлари йўлида ҳаракат қилиши, Жамиятга нисбатан хукук ва мажбуриятларни вижданан ва оқилона бажариши зарур.

10.6. Директор вақтинчалик ишда бўлмаганида Жамиятнинг мансабдор шахслари сафидан унинг мажбуриятларини вақтинчалик бажарувчи шахсни тайинлашга ҳақли.

10.7. Жамият директори вазифасини вақтинчалик бажарувчи шахс директор бўлмаган даврда ишончномага мувофиқ ваколатлар ҳажмига эга бўлади.

10.8. Жамият директори ва директор вазифасини вақтинчалик бажарувчи шахс ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки кераклича бўлмаган тарзда бажарганлик учун,

шунингдек ўзларининг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан Жамиятга етказилган зарарлар учун Жамият олдида Конунда белгиланган тартибда жавобгардир.

10.9. Жамият ягона Иштирокчисининг Қарорига кўра директорнинг ваколатлари тугатилиши мумкин ва у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

10.10. Жамиятнинг директор билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари Жамият ягона Иштирокчиси томонидан тасдикланади. Шартнома Жамият номидан тузилади ва Жамият Иштирокчисининг ишончли вакили томонидан имзоланади. Директор янги муддатга сайланган тақдирда у билан Жамият ўртасидаги шартнома тегишли даврга узайтирилган ҳисобланади.

## **11- модда. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТЛАР.**

11.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритади ва молиявий ҳисоботларни тақдим этади.

11.2. Бухгалтерия ҳисобини юритишни ташкил этиш, унинг ҳолати ва ишончлилиги, ҳар йиллик ҳисбот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Иштирокчилар ва кредиторларга юбориладиган Жамият фаолияти ҳақидаги маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгардир.

11.3. Бухгалтерия ҳисботи ўзбек ва рус тилларида юритилиши мумкин.

## **12-модда. ҲУЖЖАТЛАРНИ САКЛАШ ВА АҲБОРОТ БЕРИШ ТАРТИБИ**

12.1. Жамият ўзи жойлашган манзилда қуидаги ҳужжатларни саклаши шарт:

- 1) Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар;
- 2) Жамият ягона Иштирокчисининг ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, шунингдек Жамиятни ташкил этиш билан боғлик бошқа барча қарорларни;
- 3) Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- 4) Жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган хуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- 5) Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;
- 6) Жамият тафтиш комисиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосалари;
- 7) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

12.2. Жамият Иштирокчиси Жамият фаолиятига тааллуқли аҳборотни исталган вақтда тақдим этилишини талаб қилишга ҳақлидир.

12.3. Жамият Иштирокчиси Жамиятнинг Таъсис ҳужжатлари, бухгалтерия баланслари, фойда ва заарлар ҳисботлари, Жамият менежмент-ҳисботлари, амалга ошириш режалари, инвестиция режалари, молиявий режалар, солик органларининг ҳужжатлари ва Жамият фаолияти ҳақидаги бошқа аҳборот билан танишишга ҳақли.

12.4. Мазкур Уставнинг 11-моддасида кўрсатилган аҳборот билан танишиш ёки ҳужжатларини олиш мақсадида Жамият Иштирокчиси бу ҳакда Жамият директорига ёзма равишда мурожаат этади. Директор беш иш куни мобайнида унга талаб этилаётган аҳборотни тақдим этиши шарт.

12.5. Жамият ўз фаолияти ҳақидаги ҳисботларини чоп этиши шарт эмас, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

## **13-модда. ФОЙДАНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ВА ЗАРАРЛАРНИНИГ ҚОПЛАНИШИ.**

13.1. Жамиятнинг хўжалик фаолияти натижасида олинадиган даромади давлат бюджети билан ҳисоб-китоблардан сўнг Жамият қатнашчиларининг тасарруфида қолади.

Қатнашчилар йигилиши эълон қилган ва тасдиқлаган ҳамда Жамият тасарруфида қоладиган фойда ҳар йили бир мартда Жамиятнинг уставига мувофиқ Жамиятнинг ривожлантирилиши манфаатлари ва унинг қатнашчиларининг манфаатларини қондириш учун тақсимланади.

13.2. Хўжалик фаолияти натижасида тушган даромат (фойда) Жамиятнинг захира жамғармасини ташкил қилиш учун фойдаланилиши мумкин.

#### **14-модда. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ.**

14.1. Жамият Иштирокчиси ўз қарорига биноан жамият ихтиёрий равишда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

14.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистан Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда кушиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

#### **15-модда. БОШҚА ҚОИДАЛАР.**

15.1. Мазкур Устав Иштирокчининг карори билан тасдикланади ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган вактдан эътиборан кучга киради.

#### **ИШТИРОКЧИННИНГ ИМЗОСИ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
“Ахборотлаштириш бош маркази”  
давлат унитар корхонаси директори  
Дилшод Шухратович Сариходжаев  
Устав асосида ҳаракат килувчи

